



# O'ZBEKISTON OVOZI

## Сиёсий партия матбуоти

### такомиллашув жараёнида

■ Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида сиёсий партиялар газеталари, ахборот хизматлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва парламент куйи палатасида аккредитация қилинган журналистлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга ошириш жараёнида ахборот соҳасидаги устувор вазифалар муҳофизат этилди.

Маълумки, Концепциянинг алоҳида бир йўналиши ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, деб номланади. Унда белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга оширишда матбуот, хусусан, сиёсий партиялар нашрларининг ҳам алоҳида ўрни, иштироки бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда. Унинг имкониятларидан оммавий ахборот воситалари ҳам тобора кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилапти. Семинар-тренингда партия нашрларининг электрон кўринишлари таҳлил қилиниб, веб-ресурсларни ривожлантириш истиқболлари каби масалалар батафсил кўриб чиқилди.

Хозир барча сиёсий партиялар ва уларнинг газеталари интернетда ўз сайтларига эга. Аммо мутахассислар мазкур сайтларнинг барчаси ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини таъкидлашди. Хусусан, веб-саҳифа замонавий дизайнга эга, маълумот излаш ва олиш учун қулай, имкон қадар қисқа ва мазмунли ахборот беришга қаратилган бўлиши зарур, дейилди. Афсуски, айрим партиялар ва уларнинг нашрлари сайтлари бу талабларга жавоб бермагани ҳолда, узок

вақт янгиланмай қолапти. Шу сабабли ҳам улардан фойдалувчилар сони кўпаймаяпти.

Иштирокчилар бугун сайтлар билан ишлайдиган ва уларни доимий янгилаб борадиган мутахассислар етишмаслигини, айни пайтда, бор мутахассисларнинг тажриба ва малакаси камлигини таъкидлашди. Сайтларни замонавий дизайн асосида қайта кўриб чиқиш, уларда ахборотлар жойлашувини такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Шунингдек, машғулотда сиёсий партиялар ўртасидаги бахс-мунозараларни кучайтириш ва баҳс маданияти ҳақида ҳам сўз юритилди. Таъкидландики, бугун матбуотдаги баҳс-мунозараларни асосан журналистлар олиб боришмоқда. Айрим партия нашрлари эса баҳслар юритишда жуда майдалашиб кетяпти. Шунинг учун мунозараларда партиялар фаоллари, депутатлари кўпроқ иштирок этиши мақсадга мувофиқ, дейилди.

Бундан ташқари, партиялараро баҳсларда журналист текшируви ва журналист суриштируви каби ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш, сиёсий баҳслар савиясини кўтариш каби масалалар бўйича ҳам фикр билдирилди.

Бу галги семинар-тренингнинг илгаригиларидан фарқи жихати — унда ёшларнинг маърузачи сифатида фаол иштирок этгани ва аниқ таклифлар билдирилгани бўлди.

Бехзод ШУКУРОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## ЎзХДП: Тошкент вилоят кенгаши пленуми



■ Демократик ислохотлар чуқурлашгани сари сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, Президентимиз илгари сурган Концепция сиёсий кучлардан катта фаоллик ва амалий ишларни талаб этади.

## Ижтимоий ҳимояни кучайтиришнинг янги имконияти

### ундан қандай фойдаланиш ўзимизга боғлиқ

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши пленумида бу алоҳида таъкидланди. Унда Концепциянинг бажарилишида партия ташкилотининг иштироки масаласи муҳофизат этилди.

— Мамлакатни демократик модернизациялашнинг янги босқичида партияимизнинг бевосита амалий иштирокини талаб даражасида кучай-

тиришимиз зарур, — деди вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари **Сирожиiddин Аъзамов**. — Ислохотлар биздан аниқ ташаббуслар, минтақаларни ривожлантириш бўйича муқобил лойиҳалар билан чиқишни талаб этмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

лик йили эса электротимизни аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш имконини янада кенгайтиради. Биз бу борада асосий эътиборни ички бозорни маҳаллий товар ва хизматлар билан бойитиш, аҳолининг реал даромадини ошириш масалаларига қаратишимиз зарур.

⇒ 2

## Эътироф

Президент Ислам Каримов 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида нафақат Ўзбекистон, балки глобал иқтисодиётда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилган. Мен

Президент Ислам Каримовнинг «2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози глобал иқтисодиётга ва иқтисодий жараёнларга салбий таъсир ўтказишда давом этмоқда», деган фикрига тўла қўшиламан. Бироқ шунинг мамнуният билан қайд этмоқчиманки, Ўзбекистон бундай мураккаб шароитда ишончли ва барқарор иқтисодий ўсишни намойиш этмоқда, бу эса, мамлакатни ривожлантиришнинг иқтисодий модели тўғри эканини исботлайди.

Аниқ МАТХУР,  
Ҳиндистон — МДХ савдо-саноат палатаси бош қотиби (Ҳиндистон)

## Халқаро турнир

### Дунё полвонлари Грецияда беллашди

■ Грециянинг Салоники шаҳрида «Ислам Каримов» VII халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда дунёнинг йигирма мамлакатидан келган юз нафардан зиёд полвон голиблик учун бел олишди.

Кураш халқаро ассоциациясидан маълум қилишларича, Олимпия уйинлари ватанида бўлиб ўтган «Ислам Каримов» VII халқаро турнирида энг кескин ва муросасиз беллашув тўқсон килограммгача бўлган вазн тоифасидаги финал учрашувида икки таниқли полвонимиз — икки карра жаҳон чемпиони Шерали Жураев ва истеъдодли курашчи Зафар Бўриев ўртасида бўлиб ўтди. Чиройли усул қўллаб, рақибни мағлубиятга учратган Шерали шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Зафар полвон кумуш медаль билан кифояланди. Учинчи ўрин грузиялик Гиоргий Ладзегга насиб қилди.

Мазкур турнирда илк маротаба хотин-қизлар ўртасида ҳам беллашувлар ташкил этилди. Унда 63 килограмм вазн тоифасидаги баҳсларда барча рақибларидан устун келган ҳамюртимиз Уғилой Нуралиева Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига яна бир олтин медални қўшди. Болгариялик Мариана Волчиева иккинчи, Украина вакиласи Елена Ризак учинчи ўринни эгаллади.

(ЎзА)

## O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган



## Суд-ҳуқуқ ислохотлари

### Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш

#### доимий эътиборда

■ Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурган демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир Концепцияда тараққиётимизнинг устувор йўналишлари катори суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишининг бугунги долзарб масалалари ҳам кун тартибига қўйилди. Маърузада судлар мустақиллигини таъминлаш борасида сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини халқаро қонунчилик доирасида ислоҳ этишининг муҳим янги йўналишлари белгилаб берилди. Бундан кўзланган мақсад — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмларини янада демократлаштиришдан иборатдир.

Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиги Лазиз МАҲМУДОВ билан суҳбати мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида.

⇒ 3

## Болалар спорти

### Замонавий спорт-соғломлаштириш маркази



Каратэ тўғраги мураббийси Люция Байбулатова шогирдлари билан.

«Шўртангазимё» мажмуасига қарашли «Геолог» спорт-соғломлаштириш маркази Қарши шаҳридаги йирик спорт иншоотларидан бири. Унинг таркибида замонавий футбол майдони, мини-футбол, тренажер заллари, ёпиқ бассейн ва бошқа спорт турларига мўлжалланган алоҳида заллар бор.

2007 йилда ишга туширилган ушбу марказ бугунги кунда спортчилар ва жисмоний чиникиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлашни истаган турли ёшдаги аҳолининг сеvimли масканига айланган. Мамлакатимизнинг энг кучли аёллар футбол жамоаси — «Севинч» қизлари ҳам шу ерда машғулот ўтказади.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ  
(ЎзА) олган сурат.

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 IYIL 1 FEBRALDAN BOшлаб ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1640,52	1 Миср фунти	282,54	1 СДР	2587,74	10 Жанубий Корея вони	14,74
1 Англия фунт стерлинги	2623,48	1 Канада доллари	1653,59	1 Туркия лираси	1023,54	10 Япония иенаси	201,66
1 БАА дирҳами	450,39	1 Хитой юани	251,01	1 Швейцария франки	1756,48	1 Россия рубли	55,76
1 АҚШ доллари	1654,25	1 Малайзия ринггити	541,14	1 Евро	2276,08	1 Украина гривнаси	208,61

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# Ягона мақсад йўлида

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор вазифаларга бағишланган мажлисида Президентимиз иқтисодий-иқтисодий барча соҳаларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотларнинг натижалари ва эришилган ютуқларимизни чуқур таҳлил қилди. Жаҳонда ҳали-ҳануз давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида юртимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик сақланиб, юқори ўсишга эришилаётгани ҳар бир фуқаро қалбига юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди. Бу, шунингдек, тараққийётга эришишнинг тўғри моделини танлаганимизни, инқирозга қарши чораларни ўз вақтида самарали амалга ошираётганимизни яна бир бор исботлади.

Иқтисодий-иқтисодий барқарор ўсиши ва макроиқтисодий муносиблик, ўтган йили ялпи ички маҳсулотда sanoatning улуши 2000 йилга нисбатан қарийб икки баробар ошгани, 160 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар самарали амалга оширилгани танлаган йўлимиздан изчил одимлаётганимизнинг тасдиғидир.

**Аҳолининг даромади ва фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар қандай натижаларга олиб келганини бугун барчамиз ўз аъзоларимиз мисолида кўриб турибмиз. Бугун мамлакатимизда ҳар 100 оилга 27 тадан ортиқ энгил автомобиль, 132 та телевизор тўғри келаётгани турмушимиз кундан-кун юксалиб, фаровонлигимиз охиб бораётганидан далолатдир. Бундай натижани 10-15 йил олдин тасаввур этиш қийин эди.**

Мамлакатимизда қўлга киритилган бундай ютуқларни Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осий тараққийёт банки сингари нуфузли халқаро ташкилотлар эътироф этгани ҳам Ўзбекистонни дунё нафақат тан олгани, балки бизга тан бераётганини кўрсатади.

Президентимиз 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари ҳақида тўхталар экан, ижтимоий соҳани ривожлантириш, биринчи навбатда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш муаммосини изчил ҳал этиш бундан кейин ҳам давлатимиз сиёсатининг диққат марказида бўлиб қолишни алоҳида таъкидлади. Ушбу муҳим вазифалар партия-миз Сайловолди дастурий мақсадларига ҳамохангидир. Шундай экан, бу борада жойларда юзага келадиган муаммоларни амалда ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиш партия-миз ва

унинг фракцияси зиммасига улкан масъулият юклайди.

Маълумки, Юртбошимиз ижтимоий масалаларга ҳар доим жиддий эътибор қаратиб келади. Таълим, соғлиқни сақлаш масалаларига жонқурлик билан ёндашиш замирида улкан маъно бор. Бу саъй-ҳаракатлар ўсиб келаётган авлод ҳақиқатан энгилмас кучга айланиб, саъимизга кириб келиши ҳамда мамлакатимизнинг буюк келажagini таъминлашдек олжаноб мақсадга хизмат қилади. Аслида ана шу ишлар ютуқларимизнинг гаровидир, десак муболага бўлмайдими.

Президентимиз илгари сурган бу ғоялар ҳаётда ўз аксини таъминлаш учун, аynиқса, биз ЎзХДП фракцияси аъзолари фаол иштирок этишимиз зарур. Фракцияимизнинг яқинда бўлиб ўтган йилги ишлари атрадаги вазифаларимизни атрофлича муҳокама қилдик ва асосий йўналишларини белгилаб олдик.

2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши мамлака-

тимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги истиқболларини очди. Шу маънода, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб берадиган замонавий тузилмаларни шакллантириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик муҳим роль ўйнаши бугун барчамизга яши маълум.

**Юртбошимиз бу масаланинг ниятида долзарблигини яна бир бор таъкидлади. Бу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишларни, хусусан, кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиш лозимлигини кўрсатиб берди. Бу Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклайди. Биз тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштириш, мавжуд қонунлар ижроси устидан назоратни кўришимиз лозим.**

Депутатларга халқимиз юксак ишонч билдириб, қонун чиқарувчи ҳокимиятга вакил этиб сайлаган. Амалдаги қонунларда депутатга қатта ҳуқуқлар берилган ва шу билан бирга, зиммамизга қатта масъулият ҳам

юкланган. Энг аввало, биз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан орқада қолмасдан, унинг ҳуқуқий асосларини таъминлашимиз керак.

Урни келганда айтаётган келажакда сиёсий партиялар фракциялари ўртасида рақобат аста-секин кучайиб бораёпти. Парламентнинг назорат функцияларини амалга ошириш, аynиқса, Давлат бюджетини қабул қилиш, унинг ижросини муҳокама қилишда қизгин савол ва жавоблар бўлаёпти, сиёсий партиялар фракциялари ўз нуқтайи назари, муносабатини билдираёпти.

Шунингдек, қонун ижодкорлиги фаолияти, яъни қонунлар қабул қилиш парламент фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда, аynиқса, уларни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракцияларнинг позицияси ҳам кучайиб бормоқда. Бу, албатта, қонунларнинг сифати ва самарадорлигини таъминламоқда.

Қонун лойиҳалари юзасидан рақобатни кучайтириш, партия ғоялари, дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, қонунлар сифатини ошириш, парламентнинг ролини, атрофда юз бераётган жараёнларга таъсири янада кучайтиришга хизмат қилади.

**Нурдинжон ИСМОИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.**



## Ижтимоий ҳимояни кучайтиришнинг янги имконияти

ундан қандай фойдаланиш ўзимизга боғлиқ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Шухрат ТУРСУНБОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— 2010 йилда мамлакатимиз тараққийоти муҳим ўзгаришларга бой бўлди. Буларнинг барчаси юртимизда амалга оширилган ислохотлар натижасидир. Президентимиз Концепцияда, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг йил яқунларига бағишланган мажлисида мамлакат ривожига қаратилган кўлаб вазифаларни белгилаб берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция-миз ҳам бу йўналишларда ўз позицияси, қонун ижодкорлиги фаолиятининг йўналишларини аниқ белгилаб олди. Бунда электрорат манфаатига алоҳида эътибор қаратилган. Партия-миз Сайловолди дастуридаги вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланди. Фақат бу борада маҳаллий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқишимиз зарур. Сабаби, бевосита электрорат билан иш олиб борадиган фаоллардан ҳаётини тақрифлар чиқади.

**Дониёр АЗИЗХУЖАЕВ, Чирчиқ шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:**

— 2009 йилги Сайловолди дастурида биз-неснинг ижтимоий масъу-

лиятини ошириш ғоясини илгари сурган эдик. 2010 йил мазмун-моҳиятига кўра, бизнинг бу йўналишдаги вазифаларимизни амалга ошириш учун қўлай имконият яратди.

Ижтимоий муҳофазанинг энг яхши йўли одамларни иш билан таъминлаш экан, биз биринчи навбатда электрорат вакилларига ўз бизнесини очишини йўлга қўйишга кўмак беришимиз зарур.

Бу борада Жамоатчилик қанбухоналари имкониятидан унумли фойдаланиш яхши самара беради. 2010 йилда бизга 96 та мурожаат бўлди. Шунинг 83 таси ижобий ҳал этилди. Айташ керакки, улар орасида тадбиркорликни йўлга қўйиш, кредит олишда кўмак сўраганлар ҳам кўпчилигини ташкил этади. Демак, Жамоатчилик қанбухоналарининг шу йўналишдаги фаолиятини кучайтиришга эҳтиёж қатта.

Шунингдек, пленумда сўзга чиққан бошқа фаоллар ҳам партия ташкилотиди олдида турган вазифалар, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришди. Пленум ўз-ўзини танқид рўҳида ўтди.

Билдирилган барча фикр-мулоҳазалар ҳисобга олиниб, Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга оширишда вилоят партия ташкилотининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган Ҳаракат дастури қабул қилинди.

**Гулруҳ ОДАШБОВЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Танқиддан сўнг...

## «Ишончга беписандлик билан жавоб қиласизми?»

Газетамизнинг 2010 йил 27 ноябрь сонидан чоп этилган ушбу сарлавҳали мақолада Наманган вилоятининг Поп, Янгиқўрган ва Мингбулоқ туман партия кенгашлари фаолияти танқид қилинган эди. Аynиқса, Мингбулоқ туман партия кенгаши фаолияти бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаётгани, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ўз бурчига масъулиятсиз қараётгани қайд этилганди.

«Танқидий мақола эълон қилингандан сўнг, унда кўтарилган масалалар вилоят партия кенгашида батафсил ўрганилди. Таъкидлаш керакки, мақолада ҳақиқатан ҳам долзарб муаммо кўтарилган, Мингбулоқ туман партия кенгашида юзага келган аҳвол тўғри танқид қилинган. Шуларни ҳисобга олиб, вилоят партия кенгаши туманда партиявий ишларни жонлантириш, депутатлар фаолиятини самарали ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этди.

Ишчи гуруҳи партия кенгаши фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун тавсиялар ишлаб чиқди. Туман партия кенгаши раиси Р.Қалоновга ишларни жой-жойига қўйишда амалий ёрдам кўрсатди.

2010 йил 4 декабрь куни вилоят партия кенгаши ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Мингбулоқ туман партия кенгашида юзага келган аҳвол ҳақидаги масала муҳокама этилди. Ижроия қўмита партия кенгаши етакчисига қайд этилган камчиликлар-

ни бартараф этиш учун муддат берди. Шу йил 7 январь куни Мингбулоқ туман партия кенгаши ижроия қўмитаси ва халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят партия кенгаши кўрсатган ёрдамга қарамасдан, туман партия кенгаши раиси аҳволни ўнгитмагани қайд этилди. Шу муносабат билан Р.Қалоновни ўз вазифасидан озод этиш тақлифи маъқулланди. Пленум қаъририлиб, янги раҳбар сайлангунга қадар ЎзХДП туман кенгаши раиси вазифасини бажариш партия кенгаши раиси ўринбосари Г.Анафрияева зиммасига юклатилди.

Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг 2011 йилги иш режаси муҳокама этилди. Она ва болта соғлигини сақлаш, банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорларнинг тумандаги ижросини ўрганиб, улар асосида халқ депутатлари туман Кенгаши сессиялари муҳокамасига масалалар киритиш билан боғлиқ ва бошқа режалар маъқулланди. Улар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тақрифлар ўртага ташланди.

Шунингдек, олиб борилган ишлар натижасида туман партия кенгаши кадрлар билан мустаҳкамланди.

Мазкур мақолада кўтарилган масалалар вилоятдаги барча партия кенгашларида муҳокама этилди ҳамда кўрсатилган камчиликларга йўл қўймаслик юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши раиси А.УБАЙДУЛЛАЕВ**

ЎзХДП ҳаёти

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракцияси ҳамда «Истикбол» ёшлар қаноти марказий бошқаруви, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида «Қонун устуворлиги давлат ва жамият ривожининг асосий мезонидир» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган иқтидорли ёшлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз илгари сурган Концепция мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталдилар. Эркин фуқаролик жамияти барпо этишга ҳар биримиз масъул эканимизни унутмаслигимиз керак, дея таъкидланди тадбирда. Шунингдек, тадбирда депутатлар қонунчилик фаолиятига доир саволларга жавоб беришди.

**Гулчеҳра АШУРОВА**

**Қашқадарё вилоят партия кенгаши** Ахборот-ресурс марказида «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш, ҳамда Молия бошқармалари ҳамкорлигида давра суҳбати ўтказилди. Тадбир «Маҳалла — манзилли ижтимоий ҳимоя маскани» мавзусига бағишланди.

Сўзга чиққанлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган вазифаларни ҳал этишда масъулиятли катта экани, аҳолига турли ижтимоий ёрдам кўрсатилишида муҳим роль ўйнаётганини таъкидлашди. Ногиронлар, қариялар, ёлғиз оналар кўпроқ ёрдамга муҳтож. Маҳалла эса ким, қандай яшайпти, ким ҳақиқатан ёрдамга муҳтож эканини яхши билади. Шундай экан, уларга кўмак беришда ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда

давлатимизнинг ижтимоий ҳимоя борасидаги сиёсати такомиллашиб бормоқда. Қашқадарё вилоятида 607 та фуқаролар йиғини иш олиб бораётган бўлса, уларнинг 148 таси қишлоқ, бештаси шаҳарча ҳамда 454 таси маҳалла фуқаролар йиғинидир.

Тадбирда улар билан ҳамкорликда қилинадиган ишлар белгилаб олинди.

**Музаффар ТУРОПОВ**

**Наманган вилоят партия кенгаши** «Партия электрорати билан ишлашнинг ташкилий асосларини мустаҳкамлаш ва халқ депутатлари маҳаллий депутатлик гуруҳларининг ижтимоий вазифаларини ҳал этишдаги иштироки» мавзусига бағишланган семинар ўтказди.

Вилоят партия кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятни ошириш — фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти эканини таъкидлади.

Бунинг учун партия-миз ўз электрорати билан ишлашни такомиллаштириши, унинг ижтимоий манфаатларини доимий равишда чуқур ўрганиб бориши зарур, — дея таъкидлади у. Агар депутатлик гуруҳларининг ташаббуслари орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг ҳаётини яхшилашга реал таъсир кўрсата оلسак, мақсадга эришган бўламиз.

Шунингдек, сўзга чиққанлар бугунги кунда партия-миз олдида турган муҳим вазифалардан бири маънавий ва сиёсий етук етакчилар захирасини шакллантиришдан иборат эканини таъкидлашди.

**Хуриш ФАЙЗИЕВ**



### Хорижда

#### Пора олгани учун

**Хитойда Халқ йиғилиши кенгашининг Ляонин вилоятидаги доимий қўмитаси собиқ раиси Сун Юн коррупцияда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинди.**

Мамлакат прокуратураси маълумотларига кўра, у мансабидан фойдаланиб, ўтган тўққиз йил давомида 10 миллион юан (қарийб 1,5 миллион АҚШ доллари) миқдорда пора олган. Олий суд унинг мол-мулкни мусодара қилиб, олий жазога ҳукм этди, деб хабар беради «Синьхуа» ахборот агентлиги.



### Харитада яна бир Судан

**Жанубий Суданда ўтказилган референдумда аҳолининг 99 фоизи мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқиш учун овоз берди.** Референдум БМТ шафезлигида ўтказилди. Кузатувчилар мазкур жараён эркин ва адолатли ўтганини таъкидлашди. Президент Умар Башир референдумнинг ҳар қандай натижасини тан

олишга ваъда берган эди. Шимолдаги мусулмонлар ва жанубдаги насронийлар ўртасида узок давом этган келишмовчилик Судан давлатининг икки мустақил мамлакатга ажралиши билан яқун топти. Эслатиб ўтамиз, Суданда 20 йилдан ортиқ чўзилган фуқаролик уруши тўғрисида 2 миллиондан ортиқ одам қурбон бўлган.



#### «Энтони» бўрони

**Австралининг Квинсленд штатини «Энтони» тропик бўрони чулғаб олди.** Соатига 150 км тезликда эсаётган тўфон ўзи билан кучли жала олиб келди. Куюн уйлари томини учириб юбормоқда, дараклар илдизи билан қўпорилаётди. Маҳаллий аҳоли электр қувватсиз қолди. Кучли табиий офат Квинсленд штатига етказган зиённи қоплаш ва уни қайта тиклаш учун беш миллиард доллардан кўп маблағ сарфлаш зарурлиги таъкидланмоқда.

### Ҳаракат тўхтатилди

**Кучли қор бўрони тўғрисида Япония пойтахтини гарбий вилоятлар билан боғловчи темир йўлда ҳаракат тўхтатилди.** Натижада йигирма мингга яқин йўловчи тунни вокзалларда ўтказишга мажбур бўлди. Қор тинимсиз ёғиши автомобиль йўлларида ҳам ҳаракатни буткул тўхтатди. Йўлларда қолиб кетган транспорт эгаларига вертолётлар орқали озик-овқат етказиб берилмоқда.

### Қорадори ушланди

**Колумбия денгиз кучлари Тинч океанида Шимолий Америкага йўл олган қароқчилар кемасини қўлга олди.** Кема бортида бир тоннадан ортиқ қорадори (кокаин) бўлган. Денгиз полицияси яқинлашгач, қароқчилар ўзларини денгизга ташлашган. Маълум бўлишича, АҚШ худудига етгач, қорадори 30 миллион доллардан ортиқ маблағ пулланиси режалаштирилган.

### Икки денгизчи қочиб қутулди

**Сомали қароқчилари асир олган «MV Beluga Nomination» немис юк кемаси экипажи тақдирини ҳамон бирёқли бўлгани йўқ.** Украиналик ва филиппинлик икки нафар денгизчи қароқчилар ҳужуми вақтида қутқарув қайиғида қочиб улгурган. Улар 390 мил масофани денгизда сузиб ўтиб, куни кеча киргрокқа етиб келди. Қароқчиликка қарши операция ўтказилган халқаро денгиз кучлари зобитлари бу ҳақда Украина ва Филиппин ташқи ишлар вазирлигига хабар қилишган. Эслатиб ўтамиз, Антигуа ва Барбуда байроғи остида сузган юк кемасининг қолган ўн нафар денгизчиси Польша, Филиппин, Россия ва Украина фуқаросидир.



Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари

# Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш — доимий эътиборда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Аввало, Концепцияда суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш борасида илгари сурилган ташаббуслар инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш масаласида қандай ўрин тутиши ҳақида тўхталсангиз?

— Президентимиз ўз маърузасида бошқа соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор вазифаларини белгилаб берди. Яъни, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустақамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатагон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишига хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантирилганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, судларнинг жиноий, фуқаролик ва ҳужалик ишлари бўйича ихтисослаштирилгани, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, мамлакатимизда улим жазосининг бекор қилиниши, «Хабес корпус» ва ярашув институтларининг жорий этилиши амалга ошириб бериш демократик ислоҳотларнинг натижасидир.

Давлатимиз раҳбари суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш бўйича олдимизда турган кенг қуламли вазифалар ҳусусида тўхталар экан, уларни самарали ҳал этиш мақсадида бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга оширишни тақдир этди.

Жумладан, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахририни қабул қилиш, Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни қайта қўриб чиқиш ва янги тахрирда қабул қилиш, адлия органлари ролини кучайтириш, ҳуқуқий таълим ва маърифат, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиб-тартибни тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишида муҳим омили бўлишини алоҳида таъкидлади.

Концепцияда билдирилган мазкур тақлифлар суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янги босқичга олиб чиқад

ва ўз навбатида, инсон манфаатини ҳимоялаш механизмни такомиллаштиради.

— Адлия вазирлиги томонидан ўтган давр мобайнида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

— Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш божқармаси ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ўтган йил давомида бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, адлия идораларига фуқаролардан жами 5400 дан ортиқ мурожаат келиб тушган. Тахлилларга кўра, инсон ҳуқуқларига оид мурожаатларнинг 20,1 фоизи — меҳнат ва ижтимоий масалалар юзасидан, 15,1 фоизи — судлар фаолиятига оид, 5,6 фоизи — ижро, 3,6 фоизи — ер, 1,8 фоизи — банк фаолияти, 52,8 фоизи бошқа муаммоларга дахлдор. Умуман, ўтган йили адлия идоралари ёрдами билан 45,2 фоиз мурожаатлар бўйича фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Мисол учун, «Узпахташ» ОАЖнинг 273 нафар ходими манфаатини қўзлаб киритилган даъво ариза асосида суднинг тегишли қарорини билан 103 млн. сўмдан ортиқ маблағ ишларига ундириб берилган.

Кармана туман йул ҳужалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича қонун ҳужжатлари ўрганилганда, ишчиларга иш ҳақлари ўз вақтида тўланмаслик ҳолатлари аниқланди. Навоий вилоят адлия божқармаси томонидан 2009-2010 йил 20 май кунги «Навоий-автотўл» ҳудудий йуллардан фойдаланиш корхонасига киритилган тақдирномага асосан, ишчи-ҳодимларга ҳисобланган 25.384 минг сўмлик иш ҳақлари тўлаб берилиши таъминланди.

— Сир эмас, айрим маҳаллий раҳбарларнинг бюрократлиги ёки қонунга мувофиқ иш тутмаслиги оқибатида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиш ҳоллари учраб туради. Бу кўпроқ қайси масалаларда кўринади?

— Ҳақиқатан ҳам, баъзан маҳаллий ҳокимият ёки ташкилот раҳбарлари томонидан нотўғри қарор ва буйруқлар чиқариладиги, бу инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади. Бу масала адлия органларининг доимий эътиборида.

Биргина ўтган йили инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли идораларга 1180 та тақдимнома киритилиб, шундан 1108 тасининг ижроси тўлиқ bajarилган. Ташкилотлар раҳбарларининг турли хилдаги 211 та ноқонуний қарор ва буйруқлари бекор қилинган. 1535 нафар айбдор шахс интимиқий жавобгарликка тортилган, шундан 103 нафар мансабдор эгаллаб турган вазифасидан озод қилинган. Киритилган тақдимномадан натижасида фуқароларга 455 млн. сўмдан ортиқ маблағлар ундирилиши таъминланган.

Масалан, Фарғона вилоят адлия божқармаси томонидан Ўзбекистон тумани ҳокимининг меъърий-ҳуқуқий қарорлари ўрганиб чиқилди. 2010 йил 6 январдаги «Сафарбарлик бўйича ҳарбий хизматга чакрилиш ташкили иш ва сафарбарлик ишларини олиб бориш тўғрисида»ги ҳоким қарорининг 2-бандида ташкилот ва корхоналар йил давомида 3 мартаба навбатчилик қилиши белгилаб қўйилган. Бу меъёр қонунчиликка зид. Шунингдек, қарорнинг 1-иловасида 13 та корхона кўрсатилган бўлиб, уларга Ўзбек-Юнон «Яйпан» қўшма корхонаси, Шўрсув ёғиш заводи ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг розилиги олинмасдан бириктирилган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2010 йил 1 март кунги туман ҳокимлигига тақдимнома киритилиб, ҳокимлик ҳуқуқшунос маслаҳатчиси Б.Турғуннова хайфсан берилган ҳамда ҳоким қарори қонунга мослаштирилган.

Ёки Бувайда туман ҳокимининг 2009-2010 йиллардаги қарорларида ҳам бир қатор қонунбузилишларга йул қўйилгани аниқланди. Масалан, 2009 йил 16 январдаги 21- / 3 февралдаги 61-сонли қарорларида тадбиркорлик субъектларига ноқонуний мажбуриятлар юклаган.

Умуман, бу каби қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 267 та оғоҳнома, 297 та ёзма кўрсатма, маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича 362 та тақлиф киритилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга киритилган 30 та тақлиф асосида жиддий қонунбузилишларга йул қўйган 12 нафар айбдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Фуқаролар манфаатини қўзлаб суд идораларига 1,4 млрд. сўмдан ортиқ 2049 та даъво ариза кири-

тилган бўлиб, 1,1 млрд. сўмдан ортиқ 1956 та даъво ариза қаноатлантирилган. Шундан 944 млн. сўмликдан ортиқ 1658 та даъво ариза ижроси тўлиқ таъминланган. Суд қарорларига асосан, 86 та ҳолат бўйича 29 нафар мансабдор шахсдан фуқаролар фойдасига 4,8 млн. сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарар ундирилган.

Масалан, фуқаро З.Тожибоев манфаатини қўзлаб Фориш туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига нисбатан ишга тиклаш ва иш ҳақини ундириш тўғрисида киритилган даъво ариза фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг ҳал қилув қарорига асосан қаноатлантирилиб, фуқаро ўз вазифасига ишга тикланди. Маъбурий прогул кунлари учун унга 727.281 сўм иш ҳақи ва давлат директоридан 50 минг сўм маънавий зарар ундириб берилди.

— Сиз келтирган мисолларнинг аксарияти ходимлар манфаатига зид буйруқлар чиқарилиши билан боғлиқ. Бундай ҳолатларга йул қўймаслик учун нима қилиш керак?

— Каттами-кичими, раҳбар — барбир раҳбар. У жамоада ходимларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига жавобгар шахс. Раҳбар юқоридаги каби ҳолатларга йул қўймаслиги учун, биринчи навбатда, унда ҳуқуқий билим ва маданият бўлиши керак. Бу — масаланинг биринчи томони. Иккинчидан эса, ўша ташкилот ҳуқуқшунос билан ишлаши керак. Масалан, бизда кўпгина тадбиркорлик субъектлари бор, лекин айримларида ҳуқуқшунос йўқ. Шу боис, адашиб, қийналиб юради.

Нега? Узи қонунчиликдан яхши хабардор эмас, ҳуқуқшунос билан ҳам ишламайди. Мана шундай ташкилотларда инсон ҳуқуқлари бузилишига йул қўйилади. Оқибатда раҳбарнинг биргина хатоси туфайли фуқаролар катта-кичик идоралар эшигига сарсон бўлиб ёки судлашиб юради.

— Маълумки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда аҳоли ўртасида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғиботнинг аҳамияти катта. Бу борада фуқаролик жамияти институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик қандай роль ўйнайди?

— Дарҳақиқат, Адлия идоралари бу масалага алоҳида эътибор қарат-

моқда. Биргина ўтган йили вазирлигимиз ва унинг ҳудудий муассасалари томонидан инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўналишида 1500 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Беvosита оммавий ахборот воситаларида 2400 дан зиёд чиқиш қилинди.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ вазирлигимиз, мана, уч йилдирки, нодавлат ташкилотлар ва жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда фуқаролар билан учрашувлар ташкил этиб келмоқда. Фуқаролар инсон ҳуқуқлари, ижтимоий, шартномавий муносабатлар, тадбиркорлик ва қишлоқ ҳўжалигига оид қатор масалалар юзасидан ўз саволларига маҳаллий идоралар вакилларида тегишли жавоб олишмоқда.

2010 йил 1 февралда Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланган бўлиб, тегишли ишлар олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, Бош прокуратура, Ички ишлар ҳамда Адлия вазирликлари ўртасида «Инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиши таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида» Келишув имзоланган. Унга мувофиқ, томонлар инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликни такомиллаштиришда иштирок этиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳамкорлик қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашга қаратилган халқаро меъёрларни ўрганиш, уларни миллий қонунчиликка сингдириш бўйича тақлифлар тайёрлаш, давлат органларига инсон ҳуқуқлари юзасидан тақлифлар киритиш каби йўналишларда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Адлия вазирлиги инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласида миллий институтлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда суд идоралари билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Хусусан, бу борадаги алоқалар ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги эзгу ишларимизда ижобий самара бериб, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялашга хизмат қиладди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ  
сўхбатлашди.



## Тиббий хизмат сифати янада ошмоқда

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йул компаниясига қарашли «Сихаттоҳ» санаторий-профилакторийси кейинги йилларда замон талабларига мос равишда таъмирланди. Бу ерда 2010 йил мобайнида 400 нафарга яқин киши ўз соғлигини тиклади.

Пойтахтимизда жойлашган ушбу санаторийда юрак, асос, ошқозон-ичак, нафас олиш органларидаги касалликлар даволанади. Бунинг учун мазкур шифо масканида барча шароит муҳайё этилган.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

# Сармоя — барқарор ривожланишга хизмат қилмоқда



«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкининг Фарғона вилояти божқармасида амалга оширилаётган ишлар бунинг ёрқин тасдиғидир.

Божқарма ўтган 2010 йил мобайнида ўз фаолиятини ривожлантири бориб, асосий эътиборни банкнинг актив ва пасивларини мукаммал бошқариш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, банк ликвидлиги ва даромадлилигини оптимал даражада сақлаш, банк таваккалчилигини оқилона, бозор муносабатлари қонуниятлари асосида бошқариш ҳамда банкнинг келгуси йўналишларини белгилашга, банк капиталини кўпайтиришга қаратди.

Иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигидаги ислоҳотларни изчиллик билан қўқулаштириб бориш, унинг моддий ва молиявий базасини мустақамлаш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал бардо этишни қўлаб-қувватлаш борасида кўплаб ишлар қилинди. Божқарма томонидан жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 21 миллиард 849,5 миллион сўм кредит ажратилди. Бу эса 2009 йилга нисбатан 3,5 млрд. сўмга кўп демакдир. Янги-янги кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари вужудга келтирилиши натижасида 4 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Банк томонидан кўрсатилган хизматлар ва яратилган қулай шароитлар туфайли мижозлар сонни кундан-кунга ошиб бормоқда. 2010 йил охиригача 1400 дан зиёд янги мижозлар жалб этилгани фикримиз даволидир. Айни пайтда божқарма томонидан 26 минг нафарга яқин мижозга хизмат кўрсатилаётди.

Президентимизнинг «Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чи-

қаришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини бажариш юзасидан ички истеъмол бозорини озик-овқат маҳсулотлари билан тўлдирish ҳамда нарх-навоини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини бўйича салкам 8 млрд. сўмлик кредит ажратилиб, бунинг ҳисобига 1,5 мингта иш ўрни яратилди. Масалан, Риштон филиали мижози «Зиёхиддин ота лочини» фермер ҳўжалигига сутни қайта ишлаш дастгоҳлари сотиб олиш учун 160 млн. сўм, Қўқон филиали мижози «Mila Alfa Текс» масъулияти чекланган жамиятига пахтани қайта ишловчи дастгоҳ сотиб олиш учун 100 млн. сўм кредит ажратилди.

Президентимизнинг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида банкрот деб эълон қилинган умумий қиймати 11,4 млрд. сўм булган тўртта иқтисодий но-чор корхона банк балансига қабул қилинди. Ушбу корхоналар бўйича ишлаб чиқилган бизнес режаларга асосан жами 4,5 млрд. сўм ҳамда 4 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритиш мўлжалланган бўлиб, банк томонидан тасдиқланган графикалардан келиб чиққан ҳолда 14 млрд. 464 млн. сўм миқдорига сармоя киритилди.

Ҳозирги пайтда ушбу корхоналарда иқтисодий соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ортиб бормоқда. Масалан, Богдоғ туманида жойлашган «Богдоғ парранда» акциядорлик жамиятини олайлик. Ушбу корхона 2009 йилнинг 12 декабрида банк балансига тугатиш қийматида 1,4 млрд. сўмга қабул қилинди ва банкротлик қонунини талабларига асосан иш ҳақи ҳамда бошқа биринчи даражали тўловлар тўлаб берилди. Мазкур корхонанинг умумий майдони 42 гектарни ва ишлаб чиқариш майдони 10 гектарни ташкил этиб, асосан парранда гўшти етиштириш билан шуғулланиди.

Корхона негизига устаз жамгармаси 5,5 млрд. сўм бўлган «White Chickens» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. «Агробанк» томонидан 4,1 млрд. сўм инвестициянинг ҳаммаси ишлаб чиқаришга жалб қилинди. 2010 йилнинг 13 майида Хитойнинг «HEBEI LANDBRIDGE TRADING CO.LTD» фирмаси билан тузилган имп-порт шартномасига асосан 1,5 млн. АҚШ долларида зибд маблағ сарфланиб, замонавий ускуналар сотилиб олинди. Айни пайтда бу ерда етмиш-ети янги иш ўринлари яратилди.

Марғилон шаҳрида жойлашган «Марғилон текстил» қўшма корхонаси эса ўтган йилнинг март ойи охирида тугатиш қийматида 6,5 млрд. сўм миқдориданги мулкий мажмуа сифатида банк балансига олинган эди. Мазкур корхона негизига устаз капиталга 7 млрд. сўмдан иборат янги «Текстилен» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Унинг лойиҳа қуввати йилга 3600 тонна калава ип ишлаб чиқариш имкониятига эга. Корхонада қисқа мўдатда модернизация ишлари амалга оширилди. Хорижда ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар, линиялар билан жиҳозланди. Корхонага малакали ишчи-мухтаassisлар жалб этилди. 145 та янги иш

ўрни яратилди. Бу эса яхши натижа бермоқда. 2010 йил 1 январь ҳолатига 1 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланган. Бугунги кунга келиб 708 млн. АҚШ доллари миқдориди маҳсулот хорижий мамлакатларга экспорт қилинди. Ички бозорда эса 56 млн. сўмлик маҳсулот сотилди. Жамият томонидан 475 минг АҚШ доллари миқдориди сармоя пахта толаси сотиб олинди, қайта ишлаш бошлаб юборилди.

Корхона иқтисодий жиҳатдан барқарорлаштирилиб, ишлаб чиқариши йўлга қўйилган, «ЕвроАзия инвест» масъулияти чекланган жамиятига ўтган йилнинг август ойида 7,5 млрд. сўмга босқичма-босқич тўлаш шартини билан сотилди. Бугунги кунгача «Евро Азия инвест» МЧЖ томонидан 250 млн. сўм миқдориди сармоя ажратилиб, бу маблағ корхона фаолияти билан боғлиқ харажатларни қоплашга ва дастгоҳларнинг бутловчи қисмларини сотиб олишга сарфланди.

Кейинги йилларда Қўқон шаҳрини одонлаштириш, унинг иқтисодий салоҳиятини оширишга Ҳўкуматимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2010-2012 йилларда Қўқон шаҳрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги қарори ҳамда иқтисодий ноҳор корхоналарни тижорат банкларига сотиб бўйича республика комиссиясининг йиғилиши баёнига асосан Қўқон шаҳрида жойлашган «Кўнчи» очик акциядорлик жамияти нол қийматида инвестиция киритиш шартини билан банк балансига қабул қилинди. Корхонанинг умумий майдони 9,3 гектарни ва ишлаб чиқариш биноси 23,3 минг квадрат метрни ташкил этади. Унинг асосий фаолияти йирик ва майда шохли моллар терисини қайта ишлашдан иборат. Шартномага асосан «Агробанк» ОАТБ «Узчармпойабзал» уюшмаси би-

лан биргаликда корхона ҳудудида терини қайта ишлашга мўлжалланган технопарк ташкил этиш мақсадида эквиваленти 3 млн. АҚШ доллари тенг миқдорда сармоя киритиш мажбуриятини олганди. Ўтган давр мобайнида «Премиум лизер» МЧЖ негизига терини қайта ишлашга йўналтирилган замонавий технопарк ташкил этиш мақсадида банк томонидан жами 7,3 млрд. сўм миқдориди сармоя киритилди. Бизнес режага асосан 5,2 минг квадрат метрни ишлаб чиқариш ҳудудида йилга 12 млн. дециметр квадрат терини қайта ишлаш имконияти яратилиши лозим. Бу иш босқичма-босқич амалга оширилиб, биринчи йили 40 фоиз, иккинчи йили 75 фоиз, учинчи йили эса 90 фоизлик қувватни ўзлаштириш мўлжалланган. Ишлаб чиқариш цехининг қолган ҳудуди эса «Узчармпойабзал» уюшмаси тақсимо-тига асосан саккизта технопарк иш-тироқчиларига кейинчалик сотиб олиш шартини билан ижарага берилиши кўзда тутилган. Жамиятда 17 та янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, корхона томонидан Хитой компанияларидан йилга 55 млн. дециметр терини қайта ишлаш қувватига эга бўлган дастгоҳларни сотиб олиш учун 1,8 млн. АҚШ доллари миқдориди шартнома имзоланган бўлиб, ҳозиргача жами сумманинг 15 фоизи, яъни 281,3 АҚШ доллари миқдориди маблағ олдиндан тўлов сифатида ўтказиб берилди.

Яна бир корхона — «Қўқон сут маҳсулотлари» МЧЖ ҳам банкрот ҳолатига тушиб қолганди. У ҳам нол қийматида банк балансига қабул қилинди. Мазкур корхона негизига «Куканд мил қулати» МЧЖ ташкил этилди. Ушбу жамиятнинг ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш учун банк томонидан 1,2 млрд. сўм миқдориди қўшимча инвестиция киритилиши белгиланган. Корхонанинг ишлаб чиқариш биноларини таъмирлаш ҳамда сут маҳсулотларини қабул қилиш ва

сақлашга мўлжалланган ускуналар сотиб олиш учун банк томонидан жами 3 млрд. сўмдан зиёд қўшимча сармоя киритилди. Хитойнинг «Тьян Джи» экспорт-импорт инжиниринг компанияси билан тузилган шартномага асосан замонавий қуруқ суг, муқаймоқ ишлаб чиқарувчи дастгоҳлар сотиб олиш учун салкам 1,5 млн. АҚШ доллари аккредитив очилди. Мазкур лойиҳанинг биринчи босқичида йилга 5 минг тонна сутни қайта ишлашга йўналтирилган ишлаб чиқариш қувватини ташкил этиш режалаштирилган. Бу ерда 30 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Ҳозиргача 25 та иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, банк божқармасида нақд пул айланмасини қисқартириш ҳамда электрон тўловлар миқдорини ошириш бўйича ҳам анчагина ишлар қилинди. Пластик карталардаги маблағлар миқдори салкам 24 млрд. сўмга етди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида банк филиалларида карточаларга пул тушириш учун ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи инфоко-са қурилмалари ўрнатилди. Иккита банккомат оркали карточага пул тушириш ва нақд пул олиш учун шароит яратилди.

Давлатимиз раҳбари 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилар экан, **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққийти, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт**, деб алоҳида таъкидлади. «Агробанк»нинг Фарғона вилоят божқармаси жамоаси ҳам буну қучур хис қилиб, жорий йилда кўпгина ижобий ишларни амалга оширишни режалаштирган. Бу эса ўз навбатида вилоятдаги иқтисодий ўсишни ва унинг барқарорлигини таъминлашда муҳим омили бўлади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,  
Мирбактиёр МИРФАЙЗИЕВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбирлари.


Футбол

Ўзбекистон кучли тўртликда!

Осиё кубоги баҳслари Доха (Қатар)даги «Халифа» стадионида ўтказилган Япония — Австралия терма жамоалари ўртасидаги финал учрашуви билан поёнига етди. Эътиборлиси, ушбу чемпионатни юқори савияда бошлаган Ўзбекистон миллий терма жамоаси қитъанинг энг кучли тўрт жамоаси қаторидан ўрин олди.

Нихоятда мурасасиз ва ҳужумкор руҳда кечган мазкур ҳал қилувчи баҳсни ҳамюртимиз, ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар гуруҳи бехато бошқариб боришди. Учрашув 120 дақиқа давом этди. Унда рақибларига нисбатан майдонда аниқроқ ҳаракат қилган кунчиқар юрт вакиллари зафар кўчишди — 1:0. Уйнинг 109-дақиқасида Ли томонидан киритилган тўп японияликларга муҳим ғалабани туҳфа қилди. Бунгача Япония терма жамоаси Осиё чемпионатида уч ма-

ротаба шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилганди. Мамлакатимиз футболчилари бронза медали учун кечган баҳсда Жанубий Корея терма жамоасига 2:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Аммо футболчиларимиз мазкур чемпионатда юқори савияда ўйин намойиш этиб, мухлисларни мамнун этишди. Зеро, Осиёнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси орасида фахрли тўртинчи ўринни кўлга киритишнинг ўзи ҳам катта муваффақиятдир. Эркин ХОЛБОБО



Озод юртнинг обод манзиллари



Ушалган орзулар қишлоғи

Фарғона туманининг Миндонобод қишлоғидаги энг баҳаво қишлоқлар бағрида гўзал бир шаҳарча пайдо бўлди. Қатор кўркем уйлар олдида арчазор бунёд этилган, кенг, равон кўчалар тунда ҳам чароғон. Ҳар бир хонадонда орзу-ҳавас билан яшаётган оилаларни кўриб, ҳавасинг келади.

Бундай уйлар эгаси бўлишни тасаввур ҳам қилмагандик, — дейди Нишонбой Бобораҳимов. — Қишлоқнинг яшаш шароити шу-да деб, умримиз ўтибди. Ёруғ, кўркем уйлар. Бир ёқда меҳмонхона, бир ёқда ошхона, ҳаммоми уй ичидалигини айтмайсизми, яна ўзбекона айвон. Отасига раҳмат, шу иш бошида турганларнинг! Газ, сув, чироқ ҳаммаси муҳайё. Халқига бунчалар ғамхўр замон қачон бўлган? Юртбошимизга раҳмат! Ватанимиз, қишлоқларимиз бундан-да обод бўлаверсин. Утган йили Фарғона вилоятидаги 15 та қишлоқдаги 25 та массивда намунавий лойиҳалар асосида 610 та уй-жойлар курилиб фойдаланишга топширилди. Вилоятдаги 42 та

туманининг Найманча қишлоғида курилиши режалаштирилган 35 та уйни Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топшириш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. — Жорий йилда курилаётган уйлар лойиҳаси Юртбошимизнинг тавсиялари асосида янада такомиллаштирилади, — дейди «Қишлоққурилиш инжиниринг» компанияси директори Мусахон Раҳматов. — Энди қишлоқ уйлари бир қаватли бўлади, яшаш майдони бир ярим баробарга кенгайди, масалан, меҳмонхонанинг ўзи 30 метр квадрат саҳнага эга. Уйни иситиш тармоғи ва санитария объекти ҳовлига алоҳида қилиб олиб чиқилди. Ҳар бир хонадонга автомашина кўйиш учун алоҳида ёпиқ айвон куриш лойиҳага киритилди. Ҳовли саҳни эса 400 дан 600 метр квадратга кенгайтирилди. Бир сўз билан айтганда, қишлоқларда курилажак уйларнинг имконият ва шароитлари янада яхшиланди. Муҳаммадjon ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Анжуман Мулкни баҳолаш тизими такомиллашмоқда

Бугунги кунда юртимизда изчиллик билан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида, айниқса, давлат мулкни самарали бошқариш, баҳолаш фаолиятини ривожлантириш, уларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида Республика Давлат мулк қўмитаси тизимидаги ташкилотлар муҳим ўрин эгаллайди.

Куни кеча мазкур Қўмитада «Баҳолаш фаолияти соҳасида ислохотларни амалга ошириш ва баҳолаш фаолиятини такомиллаштириш борасида яратилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Қўмита тизимидаги мутахассислардан ташқари давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда Президентимизнинг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорига мубофиқ ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш, лицензия бериш тартиби соддалаштирилгани ҳамда Қўмита хайъати мажлисида «Ўзбекистон Республикасида 2009-2015 йиллар даврида баҳолаш фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» номили ҳужжат ишлаб чиқилгани таъкидланди. Унга кўра, баҳолаш фаолиятига оид қонун ҳужжатлари базасини ривожлантириш, мутахассислар тайёрлаш, баҳолаш фаолияти миллий ахборот тизimini шакллантириш, лицензия беришнинг орган ишининг самарадорлигини ошириш бўйича тақлиф-мулоҳазалар билдирилди.

Мамлакатимизда мулкни баҳолаш тизими янада такомиллаштирилди, — деди анжуманда сўзга чиққан Қўмитанинг Биржа ва баҳолаш фаолиятини лицензиялаш бошқармаси бошлиғи Азиз Нагаев. — Давлат мулкни баҳолаш тизимини хали кўпчилик унчалик даражада тўлиқ тушунамайди. Шу боисдан биз эндиликда мулкни баҳолаш тизими тушунчасини аҳолига содда ва тушунарли тарзда етказиб бериш борасидаги фаолиятимизни кенгайтиришимиз, шунингдек, ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлиридаги махсус факультатив дарсларни ўқув режасига киритиш керак.

Тадбир сўнггида баҳолаш тизимида самарали фаолият юритаётган Қўмита тасарруфидagi ташкилотлар махсус сертификатлар билан тақдирланди. Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Тошкент давлат шарқшунослик институти

қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

- 1.Хорижий Шарқ мамлакатлари алабети кафедраси, кафедра мудири — 1 ўрин.
2.МДХ, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослик кафедраси, кафедра мудири — 1 ўрин.
3.Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси, кафедра мудири — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
4.Араб филологияси кафедраси, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
5.Хитой филологияси кафедраси, катта ўқитувчиси — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
6.Жанубий Осиё тиллари кафедраси, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
7.Мумтоз филологияси кафедраси, ўқитувчи — 1 ўрин.
8.Жаҳон сибсати кафедраси, доцент — 1 ўрин.
9.Илмийшунослик ва корейшунослик кафедраси, доцент — 1 ўрин.
10.Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси, ўқитувчи — 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

- 1.Ректор номига ариза.
2.Шахсий варақа (рангли фотосурат билан).
3.Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификати.
4.Илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25. Тел: 233-45-21; 233-44-36.

Қарор ва ижро

Скрининг маркази

Жиззахда «Соғлом она — соғлом бола» дастурининг бажарилишида муҳим қадам бўлди

Замонавий ва ўзига хос меъморчилик усулида барпо этилган барча кулайликларга эга кўркем бино, унинг ён-атрофида амалга оширилган ободчилик ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари кўзни қувнатди. Марказда ишлаётган шифокорларнинг ҳушмуомаласи, эпчиликларини айтмайсизми? Улар неонатал скрининг текширувидан ўтиш ниятида бу ерга келаётган аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш ишларини белгиланган тартибда удалашмоқда. Сўнгги русумдаги диагностика ва лаборатория асбоб-ускуналари, зарур жиҳозлар бундай текширувларни тез ва юқори савияда бажариш, ташхисларни аниқ ва пухта қўйишга имкон беради.

Бу ерга келишимни олиб келдим, — дейди Жиззах шаҳри «Заргарлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Шарифа Ҳужамқулова. — Туғилажак фарзандлар соғлигини ўйлаб, ҳомиланинг, бенуқсон ривожланишини вақтида эҳтиёт текширувидан ўтказиб қўйиш кўплаб ирсий ёки туғма хасталиклари барвақт аниқлаш, даволаш ва олдини олишга хизмат қилади. — Оилада фарзанд дунёга келиши қувончли воқеа, албатта, — дейди ғалла-ороллик М. исми жувон (исм-фамилиясини ёзмаслигимизни илтимос қилди). — Аммо чақалоқ бирон-бир хасталик билан ёки бўлмаса, ногирон ҳолда туғилса-чи? Бундай пайтда қувончимиз кемтик бўлиб қолмайди, шоду хуррамлигимиз ўрнини боланинг саломатлиги, келгуси тақдир учун ҳавотир, ташвиш эгалламайди? Очиғи, менда ҳам шунга ўйлаш ҳолат юз бериши мумкин эди. Скрининг

текшируви чоғида ҳомиланда ирсий хасталик белгилари аниқланди. Шифокорлар даволаш ишларини бошлаб юборишди. Кўп ўтмасдан вазият ижобий томонга юз тутди. Кеча яна текшириб кўришди. Бу сафар ҳомиланинг соғлом ривожланаётгани маълум бўлди. Буни билганимдан сўнг қанчалик суюнганимни тасаввур қилаёспизми? Узингиз ўйланг, бундан 4-5 йил олдин бизда шундай марказлар бормиди?.. Утган йили курилиб, фойдаланишга топширилган марказда 6 нафар юқори малакали шифокор, 12 нафар ўрта махсус маълумотга эга тиббиёт ходими меҳнат қилаёпти. Натихада қисқа вақт ичида вилоятдаги ҳомилдор аёлларнинг 80 фоиздан кўпроги неонатал скрининг текширувларидан ўтказилди. Аниқланган ирсий ва туғма ногиронлик билан боғлиқ хасталиклари даволаш чора-тадбирлари кўрилди. Бундан ташқари, ҳомилалар

аёлларни таркибиди ҳаётий зарур элементлар бўлган махсус поливитаминлар билан таъминлаш, шу йўл билан бўлажак оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ривожланишда нуқсон бўлган болалар туғилишининг олдини олишга эришялаети, дея ишонч билан айтишимиз мумкин. Энди мулоҳаза юритиш, таҳлил қилиш, ҳулоса чиқариш учун айрим кўрсаткич ва рақамларни келтириб ўтсак. Утган йили вилоят бўйича оналар ўлими олдинги йилдагидан 1,5 фоизга, болалар ўлими эса 1,8 фоизга камайди. Ирсий хасталиклар билан туғилган болалар 3,8 фоизга, ногирон туғилганлар 3,2 фоизга қисқарди. Йил давомида дунёга келган 25.648 нафар чақалоқнинг 97,2 фоизи соғлом туғилди.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида эришилган бу ижобий қўрсаткичлар Президентимизнинг Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳамда 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги қарорлари асосида белгиланган тадбирлар изчил бажарилаётганининг амалдаги ифодасидир.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Table with weather forecasts for various cities in Uzbekistan. Columns include city name, current temperature, and forecast for the next day. Cities listed include Toshkent, Samarqand, Nukus, Qashqad, Urganch, Navoiy, Farqona, Buxoro, Andijon, Namangan, Termez, Jizzax, Gulistan, Toshkent vil., London, Parij, Moskva, Madrid, Pekin, Gongkong, Rim, Anqara, Tokio, Stokgolm, Keyptaun, Koqira, Gavana, and Vashington.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV
Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, Bobir ALIMOV, G'afvor HOTAMOV, Musihiddin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Kotibiyat
MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: To'lqin TO'RAXONOV
Gazeta O'zbekiston ovozi'ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
ISSN 2010-7633 1 2 3 4 5